

Рўзанинг яна бир фойдаси кашф этилди



09:04 / 08.04.2022 2618

MIT биологлари охириги тадқиқоларидан бирида кекса ёшли инсонлардаги ўзак ҳужайралар фаолияти аста-секин сусайиб боришини аниқлашди. 24 соатлик рўза билан ушбу ҳужайра фаолияти қайта тикланиши мумкин экан. Рўза тутиш амалиётини сичқонларда тажриба қилиб кўрган олимлар ўзак ҳужайраларнинг янгиланиш қобилияти сезиларли даражада яхшилашига гувоҳ бўлишди. Бу ҳақда Muslim Mind телеграм канали sciencedaily.com нашрига таяниб маълум қилди.

«Рўза тутган» сичқонларда ҳужайралар глюкоза ўрнига ёғ кислоталарини парчалай бошлади. Бу ўзгариш ўзак ҳужайраларининг янгиланишига туртки берди.

Ушбу тадқиқотда энергия манбаи сифатида глюкозани ишлатиш ўрнига, организм ёғ кислоталарини метаболизация қила бошлаганда, генлар экспрессиясини ўзгартириши орқали содир бўлади (транскрипция омиллари ўзгаради ва генлар бошқача ўқиладиган бўлади). Тадқиқотда қатнашган сичқонлар 24 соат давомида оч қолдирилди.

Тадқиқот хулосаларида, бу турдаги очлик кимётерапия олган саратон билан касалланганларнинг тикланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин экани қайд этилган.

Тадқиқот Массачусетс технология институти олимлари томонидан ўтказилган ва хулосалар 2018 йилнинг май ойида чоп этилган.

Манба: Muslim.Mind